

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

44

(411)

YURIDIK GAZETA

№ 44

D.	7	14	21	28	
S.	1	8	15	22	29
Ch.	2	9	16	23	30
P.	3	10	17	24	
J.	4	11	18	25	
Sh.	5	12	19	26	
Y.	6	13	20	27	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqarib boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



Абдурахид ТУРАЕВ олган сурат

...Шабнам шовуллайди боғлар қўйида,
Салқин туман ичра бўзарар тонлар.

Қўёнинг эринчоқ ёғдуларида
Нафис ялтирайди барги хазонлар.

ХАВАР

Жорий йилнинг 31 октябр кўни Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустахкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари билан учрашув бўлиб ўтди.

САМАРАЛИ УЧРАШУВ

Унда марказ кафедра мудири Ф.Рахимов, катта ўқитувчи О.Холиқов, илмий ходим Н.Мирахмедова иштирок этиб, талабаларни криминалистика ва тезкор қидирув, террористик ҳаракатлар юзасидан олиб борилган тергов даврида тўпланган материаллар, далилий ашёлар, Бош прокуратура музейи билан таништирдилар. Учрашувда марказ директори Э.Абзалов ва Бош

прокуратуранинг қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи С.Ортиқова прокуратура органларининг мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларидаги ўрни, шунингдек шу йилнинг 12-13 май кўнлари Андижонда содир этилган террористик акт юзасидан тергов ҳужжатларини намойиш қилишди.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY SUDIDA

Жорий йилнинг 27 октябр кўни Республика Олий судида 12-13 май кўнлар Андижон шаҳрида содир этилган террористик акт ва бошқа оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган 15 нафар шахс ўстидан олиб борилаётган суд жараёни ўз ишини бошлади.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Ушбу суд мажлисида томонларнинг айбловчи ва ҳимоячиларнинг ўзаро музокаралари давом эттирилди.

Ҳимоя қилувчи тараф музокара давомида Андижон шаҳрида 12-13 май кўнлари содир этилган жиноятлар бўйича айбланаётган шахсларнинг иқдорлик кўрсатмаларидан ташқари, жабрланганлар, гувоҳлар, даъвогарларнинг кўрсатмалари ҳамда ашёвий далиллар бир ой давом этган суд жараёнида батафсил ўрганилганини маълум қилди.

Шундан сўнг, суд судланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқларини яна бир бор

тушунтириб, музокара учун сўз берди. Музокара якунлангач, иш бўйича раислик қилувчи томонидан судланувчиларга охириги сўз берилди.

Судланувчилар охириги сўзида содир этилган барча қилмишларда айбдор эканлигига тўлиқ иқдор бўлиб, чин кўнгилдан пушаймон эканликларини билдиришди ва жабрланганларнинг оилалари, яқинларидан ҳамда бутун ўзбек халқидан кечирим сўрашди.

Шундан кейин раислик қилувчи Б.Жамолов суд ишида танаффус эълон қилди.

Ўз мухбиримиз

SAFARBARLIK

ҚАЛҚОНЛАРИНГ БИСЁРДИР, ВАТАН!

Бир пайтлар академик шоир Фафур Фулом «Йигит омон бўлса, хавфу-хатар йўқ, қилич бор, қалъа бут, қўрғон саломат» дея ёзган эди. Дарҳақиқат, йигитларимиз ватанинг суянчи, таянчи, ишонган тоғи.

Айни пайтда юртимизда муддатли ҳарбий хизматга қақриув ишлари қизгин паллада. Ватанимизнинг бўлғуси ҳимоячилари ўз юртини қўз қорачигидек асраш, халқимиз осойишталигини таъминлаш учун ҳарбий хизматга отланишмоқда.

Бир хил спорт кийимларида саф тортган бўлажак посбонлар оқсоқоллар, ота-оналарнинг яхши ният ва тилаклари, ўйин-кулгу билан муддатли хизматга кузатишмоқда.

Қақрилувчилар энг аввал ўз ҳудудларидаги туман, шаҳар муҳофаа ишлари бўлимлари қошида тиббий кўрикдан ўтказилган. Бу жараён вилоят муҳофаа ишлари қошидаги тиббий текширувларда батафсил ўрганилади. Ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом йигитларгина шарафли сафни тўлдирди. Агар бирор-бир тушунмовчилик юзага келса ёки ота-оналар қақриув ҳаётлари ишидан қониқишмаса, муҳофаа ишлари бошқармаси ва Самарқанд ҳарбий прокуратурасига мурожаат этиши учун шароит яратилган.

Самарқанд ҳарбий прокуратураси ёшларга умумий ҳарбий мажбуриятлар ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунчилик тарғиботи бўйича учрашув ва тадбирлар уюштириб келмоқда.

Исрофил УМРЗОКОВ,
Самарқанд ҳарбий прокурори ёрдамчиси

Азиз муштарийлар!

Ҳаётингизни маъмул

ўтказиш — бу сизнинг ҳуқуқингиз.

Ўз «Huquq»ингизни қўлдан

бой берманг.

«Huquq» — шубҳасиз

сизнинг минбарингиздир.

Индексимиз - 231

REPORTAJ

Президентимиз Ислам Каримов шу йил сентябр ойида Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Хўжайли туманидаги меҳрибонлик уйида ҳам бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишлар, шарафит билан танишар экан: «Жуда савобли иш қилибсизлар, бундан кўпчилик ўрнатқ олса арзийди», — деган эди.

Президентимизнинг топшириғи ва Ўзбекистон Бош прокуратурининг буйруғига асосан 2005 йил 26 октябр куни Бош прокуратуранинг бўлим бошлиғи Т.Умаров бошчилигида бир гуруҳ туман прокурорлари, меҳрибонлик уйи директорлари, тарбиячи ва мутахассислар Қорақалпоғистонга келдилар. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг мажлислар залида Меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш хусусиятлари мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарни Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси Т.Тағирибергандон кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг тўпланганларга юртбошимизнинг Қорақалпоғистонга сафари ҳақидаги видеолар ҳам намойиш қилинди. Семинарда сўзга чиққан Республика Бош про-



куратурасининг бўлим бошлиғи Т.Умаров, Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари Х.Абдурахмонов, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиғи бошқарма бошлиғи Ж.Фозилов, «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамғармаси қошидаги ўқув марказининг директори Г.Смирновалар меҳрибонлик уйлари фаолиятини яхшилашнинг долзарб муаммолари ҳақида мулоҳазаларини ўртоқладилар. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Х.Ҳалимовнинг «Кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйлари ва махсус таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш хусусиятлари» мавзусидаги маърузаси семинар катнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шундан кейин семинар иштирокчилари Хўжайли туманида жойлашган XII асрга мансуб «Маздеҳон» зиёратгоҳини зиёрат қилишди.

Меҳмонлар Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиғи тасарруфидоги 1-меҳрибонлик уйида яратилган шарафит билан танишдилар. Шу ўринда меҳрибонлик уйининг тарихи ҳақида икки оғиз сўз. У 1922 йили ташкил топган. Бино Хўжайли туманининг эски шаҳрида жойлашган. 1968 йил 1 январда янги шаҳарга, Лермонтов номи ўрта мактаб биносига кўчиб ўтган. 1988 йил 20 августда 340 болага мўлжалланган янги бино қурилиб, мактаб-интернат шу ерга кўчиб ўтган ва ҳозиргача шу ерда фаолият

Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак. Ислам КАРИМОВ



Сиз ёлғиз эмассиз

сиқа, соч турмаклаш, кулинария хоналари мавжуд. 150 ўринга мўлжалланган мажлислар зали, кутубхона ишлаб турибди. Унда 15.980 та китоб мавжуд. 100 ўринга мўлжалланган замонавий ошхона ишляпти.

Болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун алоҳида тиббий бўлим очилган, унда педиатр, стоматолог ва 6 нафар ҳамшира хизмат қилмоқда. Дори-дармонлар етарли. Бу йил «Сен ёлғиз эмассан», «Эко-сан», «Соғлом авлод учун» жамғармасидан 10 турдаги дори-дармонлар ёрдам сифатида берилди.

Ёзда 60 нафар бола Тошкент вилоятининг «Нурафшон», 20 нафар тарбияланувчи Эллиққалъа туманидаги «Орол болалари» оромгоҳларида дам олиб қайтишди. Оролни кўтқариш жамғармасининг Нукус филиали ва Тўртқўл текстил комбинати болаларга мактаб формалари, ҳар хил кийим-кечаклар совға қилишди. Қорақалпоғистон

прокуратураси ҳар хил ўлчамдаги гиламларни ёрдам сифатида берди. Бу йил меҳрибонлик уйини 25 нафар бола битириб, 3 нафари тиббиёт коллежига, 2 нафари политехника коллежига, 6 нафари Тахиятош савдо-иқтисодиёт коллежига, 4 нафари Қўнғирот транспорт-саноат коллежига, 3 нафари Нукус автотранспорт коллежига ўқишга кирди. Биттаси эса меҳрибонлик уйида қўлиб таҳсилни давом эттирмоқда.

Биз семинар иштирокчиларининг баъзиларини суҳбатга тортидик.

Хивадаги меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера ПАК:

— Қорақалпоғистон — менинг туғилган юртим. Тақдир экан, 1961 йили Хоразмга келин бўлиб тушганман. Кўп жойларда бўлдим, лекин бу ерда амалга оширилган ишлар мени қўйил қолдирди. Етимларни

қўлаганни худо қўласин! Ёшлар бахтли бўлишин, ҳаётда ўз ўрнини топишин. Ҳамкасбларимнинг ишига муваффақият тилайман.

Хўжайлидаги 1-меҳрибонлик уйи директори Гулнора САРИЕВА:

— Мен бу ерда кўп йиллардан бери тарбиячи бўлиб ишладим. Бу йилдан бошлаб меҳрибонлик уйига директорлик қилаяпман. Давлатимизга раҳмат. Бундай эътиборни ҳеч қачон кўрмаганмиз. Аввал торгина хоналарда болаларни тарбияладик. Компютер деган нарсани тушимизда ҳам кўрмаганмиз. Сентябрь ойида юртбошимизнинг бу ерда бўлиши, «Отайўл» автобусини совға қилиши кўнглимизни кўтарди. Фойдали маслаҳатлар олдик. Бундан кейин ҳам болаларни Ватанга содиқ қилиб тарбиялашга бор кучимизни сарфлайвераимиз.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 5-меҳрибонлик уйи директори Тоштемир САТТОВ:

— Мен 3 яшарлигимдан ўзим директорлик қилаётган меҳрибонлик уйида тарбияланганман. Турмуш ўртоғим ҳам шу ерда тарбия топган. Ҳозир ҳамшира. Биз яхши инсонларнинг таъсири билан шу даражага етганмиз. Етимларга ҳомийлик қилувчилар кўп бўлса дейман. Президентимиз Ислам Каримов Қашқадарёда ишлаган пайтларида ҳам тез-тез меҳрибонлик уйимизга келиб, ҳолимиздан хабар олиб турарди. Ҳатто у киши менинг институтда ўқишимга ҳам кўмаклашган. Мен бир умр у кишидан қарздорман. Қарангки, яхши инсонлар ҳамма жойда бор экан. Хўжайлига келиб бир кеча меҳрибонлик уйида тунадим. Прокуратура ходимлари, ҳуқуқшунослар тез-тез бугерга келиб туришар экан. Отасига раҳмат — хизматлари кўриниб турибди. Жуда катта иш бўлган. Тилагим шуки, ҳамкасбларим ёшларни гард оқтирмай вояга етказишсин.

Бундай тилакларни Жиззахдаги 29-меҳрибонлик уйи директори Раъно Юсупова, Бухоро вилоятидаги 32-меҳрибонлик уйи директори Саида Шарипова, Сирдарё вилоятидаги 27-меҳрибонлик уйи директори Дилбар Муҳиддиновалар ҳам билдиришди.

Бизнингча, Қорақалпоғистондаги мазкур учрашув кўплар учун намуна мактаби бўлди.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ, «Нуқуқ» муҳбири



Адашганлардан бири



Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожи тавсиф қилинадиган киссадан, энгилмиша сиз воқифсиз. Ул зот Бурқ деган отида фалақани сайр этганларидда неларни кўрган-ю, кимлар ила учрашгани. — бўш вақт толдим дегунча китоб вараклайдиганлар учун қандаи равшан ривоят. Пайгамбар алайҳиссалом Аршдан туриб борлиқни кузатганида Заминнинг ҳамма жойига кўдан зиё таралиб тургани-ю, фақат бир ердан кўкка нур ўрлаётганига шохид бўлгани тўғрисида ҳам қатор-қатор ривоятлар-у, ҳадислар мавжуд. Гап ўша макондан кўкка чирмашган нур ҳақида кетганида навоийликлар: «Бу нур — Нуротадан», бухорилиқлар: «Зимининг шариф шаҳардан...», хоразмликлар эса «Пайгамбар меърожда кўрган нур — 360 авлиё макони Гургандан кўкка ўрлаган» деб лутф этгандилар. Гап меърожда — Арш устида кезган Расулulloҳни хайратта солган зиё қай бир бурчақдан, қай бир кунжақдан таралганида эмас. Моҳият — бу ривоятни ҳар бир киши ўз киндик қони тўғилгани замин билан боғлашни соғинишадилар. Воҳалик эҳтиросли шоир Жумабой Матёқубов: «Пайгамбар маллагим деган замин бу» дея воҳани улуглаб, меърож тўғрисидаги ривоятга ишора қилган ҳолда шеър битади. (Маллак — бирор кимсанг эри пешона тери билан очган кўрик ери

кафолатланган бир вақтда теварак-торфдаги воқеаларни ўз идрокҳига баҳолади. Исом динини урганиш, эътиқод қилиш ўрнига Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний, Фаҳриддин Рухиддин (Азамат), Абдурахмон Абдурахмонов, Аҳам Муротов, Муҳаммад Махмудов, Абдурахим Таврош қабили-
ўнга оғир жиноятлар содир қилиш қасдида тузган уюшмага аъзо бўла-
Амалдаги давлат тузумини ўзгарти-
ш, ҳокимиятни босиб олиш, иқтисомий-
ийезиятнинг барқарорлигига пу-
етқазилиш ўз олдиға мақсад қилиб-
лади. Мамлакатимизда жиноятчиликка,
младан норасмий диний-свийс ҳу-
ятдаги уюшмаларға қарши кураш қу-
й-тилганлиғиға натижазида диний-
стремистик ташкилотларнинг фаол-
қаратиларға чек қўйилди. Айрим уюш-
қорчаларни жиний жавобгарликка
ртилиб, теғишли жазаға ҳукм қилина-
Лектин Тоҳир Йўлдош, Жума Наманго-
ий қабзи баъзи раҳбар ва уюшма аъзола-
жазодан қутилиш ва ўз идрокдорлиқ-
ет давлатдан туриб давом эттириш
қсидида қўшни мамлакатларға, ўзла-
нинг гоғий раҳномаларни панохига
қиб яширинган эди.

ЧЎГИРМАСИ ЕРГА ТУШГАН ОТАЛАР

Эр кишининг уялгани-улгани деган нақл бор. Эр кишилар, яъни падар, оғанини, тоға, амаки, жўралар қачон уялади? Бу савол жавоби қийин эмаску-я, бироқ, эр кишининг уялгани борасида тасаввурга бориш кишини даҳшатга солади...

Хоразмда эр кишининг боши – фар-
зандлари, жигарлари, хеш-ақроблари
беномуслик қилсагина эгилган. Бено-
муслики боболаримиз жуда кенг тар-
зда тушунишган. Жумладан, «иккили-
қилиш ҳам беномуслик саналган. Эр-
хотиннинг бир-бирига ёки бир ҳамюр-
тининг бутун улусга қилган ҳоҳ аяшин,
хоҳ ошқора хиватини «иккилик қилиш»
деб атайдилар. Агар боласи зино ёхуд
ўз элига сотқилик қилса, унинг эр
қариндошлари майдонга қаққуририлиб,
халқнинг ўзи уларга шундай бир оғир
жазо беришган; бу «иккилик» қилган
фарзанда қози томонидан берилган
жазодан ҳам бешбаттар бўлган. Ана
ушжа жазо – беномуснинг эр қариндош-
туғишганлари йиллар, даврлар мобай-
нида бую қийимий қийиш ҳуқуқидан мах-
рум этилган. «Бу қундан қура рўмол
ўрасан бўлмасмида?» – дея уларнинг
бошидаги чўтирма-теллигини ечиб олиб,
ерга отишган. Шунинг учун ҳам «Чўтир-
маси ерга тушган эр – ўтга пишган эр»,
– дейишди.

Юртга соткилик қилаётганлар оз эмас, кўп эмас, турчи ичидиги курмакдай учраб турибди. Бундай кимсалар қилгиллигини қилиб бўлгач, уни эр туғишганлари: ота, ога-ини, тоға, амаки, жўралари бошини қўли эгнанича манглайини титроқ кўллари билан оҳиста силаб қўймоқдалар. Уна шунда улар мўстабар аҳждолари қилиб ўтган дуо энг хайрли дуо эканини, уни ҳар замон ҳар нафасда такрорлаш жоиз эканини бир эслаб кўрган бўлсалар ажаб эмас.

РАЗОЛАТГА ИЛҲОМЛАНГАН ИЛҲОМ

Хивалик Исмоил ота ўлига эзгу ният билан Илҳомбек деяси кўйидади. Бирок у бу юк ниятлари пучга чиқарди. Исми жисмига монанд бўлиб савоб қорларга эмас, балки разолатга илҳомланди. Хивалинг Комил Девоний кўчасидаги 40-уйда рўйхатда турган Илҳомбек Иброҳимов Узбекистон истиқлолга эришганда 20-баҳорни қаршилаганди. У миллий ва диний урф-одатлар тиклана бошланган, фуқароларнинг виждон эркинлиги давлат қончилиги ва амалиётида

жикистонинг Хоит қишлоғида пайдо бўлган живалик ушш йигитлар қора қилмишларининг бош «сценарий муаллифлари» билан учрашдилар. Шу ерда уларнинг исмлари ўзгаририлди. Илҳомбек — Абдуқасимга, Илҳомбек — Абдулмуҳаммадга, Эргаш — Абдулҳалимга айланди. Орадан бир ой ўтгач раҳнонамалари Илҳомбекни Абдулло деб атадилар. Бу ерда улар АҚМ русуми атомидани бўлак-лаш-йиғишни ўрганилдилар. Айниқса, «Жиход қилгинлар!» деган даъватлар бу ердаги ёш йигитлари ўш орасининг қорини ёрмашга тайёр қашқирларга дўлдирар эди. «Хоит-даги масжидни Жума Намангоний назорат қилиб турарди. Бу ерда турли вилоятлардан келган йигитлар туپланишганди. Уларнинг аксарияти алдов ойли билан қатилрилганди.

БАРБОД БЎЛГАН
КОЧИШ РЕЖАСИ

Наманганлик ва хоразмлик йигитлар ўртасида газак олган келишмовчилик узоқ давом этди. 1999 йилининг апрелида келиб Жумабой оғаси (Ж. Ходжаев)нинг сўясида кериблиб юрган Наманганлик йигитлардан безор бўлган 40-45 нафар йигит «Хoit» дан «куён» бўлиш режасини ўртага қўйдилар. Уларнинг ичидан навсийлик, ва тошкентлик йигитлар ҳам бор эди.

«Хуфтон» номозида сўнг соат 23 ларда 1-гурӯҳ аширинча масжиддан чиқиб кетади. Ҳар ярим соат, бир соат ичида 5-6 киши бўлиб қочишади. Илҳомбек сўнгири гуруҳда тонги соат 4.30 ларда 4 киши бўлиб йўлга чиқади. 2-3 км. юришган, Узларидан аввал қочган гуруҳ орқага қайтиб келаётганидан ҳабаб топдилар. Маҳаллий аҳоли энг аввал қочган гуруҳ раҳномаларини пайкаб қолиб, отиб ташлаган эди. Улар 17 нафар эди. Уларнинг ичида Илҳомбекнинг ҳамшахшари Исомбек ва Эргашлар ҳам бор эди.

Мудҳис қотиллик тўғрисидаги кабарни эшитганига 3-4 соат ҳам бўлмаганди, омон қолган «қочқоқ»ларнинг олдида Хонтидаги қўмондон келиди. Барчани важаҳат билан олдида солиб ҳайдаганча масжид ёнидаги гаражага олиб боради ва шу ерга қамаб қўйди. Орадан бир мунча вақт ўтгач, «катталар» билан «кичиклар» орасидаги муносабат маромига тушгач, улар ваҳшийларча отиб ташланган 17 нафар ўзбек йигитларининг жасадларини қабрга қўйиб келишга боради. Не кўз билан қўйсинки, ўликлар орасида хивалик Исломбек ва Эргашнинг жасадлари сасиб ётади. Уларни дин пешовлари деб қўрсатган бу маълуналар муслимнинг жасадини жоник қиқчақ, кафанлаб қўйиши фарзлиги борасида уйлаб ҳам қўрмаганлар. Қотиллиқни ўзлари қилиб туриб, айбни қочишга уринган йигитларнинг бўйнига қўйишга уриниб, «амния» идорасида сўроқ, тергов, таъзиқлар ўтказилганини эслаганда И. Иброҳимовнинг эти сесканини

кетаци.

Ўша пайтлари диний-экстремистларнинг яна бир ўчоғи ҳисобланган Тавелдарада икки ой қамокда ётаркан, эрта-индин пешонасига не қисмат, не кўргулик ёзилганини билмасди.

1999 йилнинг октябрида бу ердаги йилгитлари 15-20 та автобусга миндириб, Амударё бўйида олиб боришди. Паром ва вертолётда барчасини Афғонистонга олиб ўтишди. Оилалилар Шарифа қолди, буйдоқлар эса гага кўчишди. 20 нафар йилгит Қоғи «Ўзбекистон Ислам ҳаракати» борғоғи ҳисобланган Дафтарга боради.

00 йилнинг дастлабки 2 ойида «Ибк Тохир Йўлдошнинг шахсий шайси бўлади.

ПОКИСТОНДАГИ ДАРБАДАРЛИК

– «Ўзбекистон ислом ҳаракати» дий- экстремистик ташкилот сафида Қол шахрида яшайтган ўзбекистонлик 00 йола бор эди, – деб кўрсата бера- И.Иброҳимов. – Бу оила эркаклар либонлар томонидан туриб Афғонис- шимолй минтақа кўмондони Абду- шадид Дўстимга, сўнг АҚШ қуроли куч- рида қарши кураш олиб борганлар. улардан бири ўзим эдим...

2002 йил мартада Афғонистондаги Гардез тоғларида жангчилар билан изғири юганида Илҳомбек устига ёпирилиб келаятган АКШнинг кирувчи самолётларига қўзи тушади. Шунда у она шахри Хиванинг Хўжаминор ила ризолашиб турган осуда осмонини ҳаёliga бирров келтирди-ю, ўтlig надомат ёшлари ёноқларини қилчидай кесиб ўтади.

Бир зумда теласига ваҳолат билан
ўзи келган қирувчи самолёт ва вертол-
ётлар тоғу тоғи бомбардимон қила бош-
лади. Оқибатда 19-20 нафарча адабиёт
экстремисти оқимиға кириб қолган ўзбек
ийигитлари ҳалок бўлди. Илҳомбекнинг
ўзи ҳам оғир ҳароҳат олади. Лекин сиф-
дошлари томонидан вақтида қўристал-
ган тиббий ёрдам унинг ҳаётини сақлаб
қолади. Зумрад бек номлиниши қўқоқ-
да 2 ой даволаниб оёққа турғач, водий-
лик 2 йигит ва маҳаллий бир пуштун
ҳамқорлиғида Покистоннинг Вана шаҳ-
рига қўчиб ўтади. Бу ерда Покистон ар-
мияси томонидан текшириш ўтказил-
ганда 2-3 нафар шериклари билан тоқча
чиқиб бир ой бекиниб юради. Кейинчалик
Ванага қайтар экан, хивали Абдураҳи-
мон беваеси Шарифа Рўзматов (лақаби
Мунаввар)га ўйланб, танишлари гувоҳ-
лиғида никоҳ ўқитиб олади. Бу ерда
уюшмага аъзо бўлган қўпал ўзбек ий-
игитлари бошпана излаб сарсон қиришар
эди.

Илҳомбек Шарифадан бир ўйил кўради, ҳуқ, адашган, улоққан экан, эндиликда тинчгина аяшаб, боласини беким яйраб қоварерса бўлмасмиди! Йўқ, чаён захрини сочиб турмаса бўлмайдиганча, «Ўзбекистон ислом харакати» раҳномаларидан моддий таъминот олиб тураркан, у яна шериклари билан манфур ишларни амалга оширишга киришади. 2004 йилнинг февралда фарғоналик Раҳматжон Исроиллов (Исломбек) бошчилигида яна Афғонистонга ўтишади. 50-100 нафар афғон жангчилари уларни кўраб олади-ю, АҚШ ҳарбийларига топшириб юборишади. Асирга олинганда И.Иброҳимовнинг ёнида автомат, 2 донга қўлбала граната,

4 та ўқдон (120 та ўқи билан) ва 3-4 кути 4,62 мм ўқлар, қуроғлар тўғрисидаги рисола, таржима-луғат, 1 ампула оргкислантирувчи дори борлиги аниқланган. Бағрам қамқоҳонасида 1 йилдан зиёд сақлангач, Афғонистоннинг янги ҳукумати томонидан И. Иброҳимов Ўзбекистон ҳуқуқи муҳофаза қилувчи органларига топширилган.

БУКРИНИ ГҮР
ТҮҒИРЛАЙДИМИ?!

Ватанга хиёнат қилиб, Афғонистонда жирханг рехаларни тузиб, она диёри-
мизда барқарор вазиятни издан чика-
риш, давлат тўнтариши ясаш, ўрта аср-
ларда қилиб кетган халфалиқини ўрна-
тиш кутқузда бўлган Тохир Йўлдошга
шахсий тан қўриқчилик қилган ва ҳатто
уна содиқлик исбот эти, «байат» ҳам
берган Илҳомбек панжара ортида ўзи-
нинг разолатга ботган қалбини ана бир
қарор ошкор қилди. У судда шундай
деди:

– Менинг мақсадим Ислом ҳаётида яшаш эди. Покистонда, Афғонистонда ўзимга керак ҳаётий муҳит билан эркин яшадим.

Во ажабо! Тоғу тошларда дарбадар
 юриш, йў-хойсиз, чайлама-чайла из-
 гиб, ижарага бошпана тилаш – шуми
 эркинлик? Ёки беайб одамларни отиш,
 бировнинг мулкини зўравонлик билан
 тортиб олишни эркинлик деб билган-
 дир! Агар у шуми ўйлаган бўлса, Узбе-
 кистон қабиҳларини бағрига олмайд.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судлов ҳайъатида И. Иброҳимовнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ иш кўриб чиқилди. Хайъат унга жазо тайинлашда жиноятни фарз ва ёмон ниятда жиноий уюшма таркибидда содир қилганини ҳисобга олди. Шу билан бир қаторда айбига қиргорлигини, муқаддам судланмаганини, оилалик бўлиб, 3 нафар фарзанди борлиги ҳам инобатга олинди. У ЖКнинг қатор моддаларига қўрсатилган жиноятларни содир қилганликда айбланиб, 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

СЎНГГИ НУҚТАДАН АВВАЛ

Тўғри, қолағога хотима қиялғимиз. Лекин «сўнгги нуктадан аввал» деган жумла бу ерда мажозий маънода ишлатилмоқда. Умуман олганда ҳар бир нарсанинг аввали бўлгани каби охири — сўнгги нуктаси ҳам мавжуд. Жумлдан, инсон умрининг ҳам. Одам боласининг ана шу мезонга ча зиммасида қилиши ҳоиз бўлган бурчлари бор. Улардан бири бир-бировга масъулиқдир. Киши атрофдагиларнинг қисмати, хатти-ҳаракатига бефарқ муносабатда бўлмаса, ҳамisha оғохлиқни ҳис қилиб яша — у ана ўша бурчини шараф билан оқлаган саналди.

Илҳомбек Иброҳимов ва укаби норгўл йигитларини ҳаётининг кунигир сўқмоқларига адашиб қириб қўлишига имкон берган шароит — атрофдагилар, аввало ота-она, ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи муассасалар, ўқув даргоҳлари, маҳалла-куй, қариндош-уруғларнинг масъулликлари оғоҳлиқни унутганлигига эмасмикин?! Айнаикса, ёш авлод тарбиясига танбаллик билан муносабатда бўлиш — эртага оғир, салбий оқибатларга олиб қелиши мумкин.

Г. ҚУТИМОВ,
Хоразм вилоят
прокуратурасининг бўлим
бошлиғи
Эрпўлат БАХТ,
«Нуқуқ» муҳбири



Сиёсатчи айланмоқда

Техас штати прокуратураси АҚШ конгрессидagi республикачилар партиясининг собиқ етакчиси Том Делэйга нисбатан жиноят иши қўзғатди. Маълумотларга қараганда, собиқ сиёсатчи Техас штатининг сайлов қонунларига хилоф равишда фаолият юритган. Жиноят ишини қўзғатган прокурор Ронни Эрлнинг гапига қараганда, сайлов арафасида Том Делэй бошчилигида республикачилар партиясининг айрим аъзолари партия ҳисоб-рақамига тушган маблағларни ноқонуний равишда ўзлаштирган ҳамда сайловга сарфланиши мумкин бўлмаган маблағларни ўз номзодларини қўллаб-қувватлаш учун ишлатишган. Том Делэйнинг адвокатлари прокурор Ронни Эрл демократ бўлгани учун бу ишга сиёсий тус бериш керак деб фикрда. Лекин Эрлнинг таъкидлашича, бу ишда сиёсий қарашлар ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, ҳар бир инсон ўз қилмиши учун қонун олдида жавоб бериши керак, холос.



МУЗОКАРАЛАР МУАММОГА ЕЧИМ БЎЛАДИ



Ливан бош вазири Фуад Синоир мамлакат қўшинлари Бекаа водийсидан олиб чиқишини эълон қилди. Маълумки, ушбу водийда Фаластин қўшинлари ҳам жойлашган. Жорий йилнинг 26 октябрида Ливан қўшинининг сара аскарларидан иборат ҳарбий қисми Бекаа водийсига «Фаластинни озод қилиш халқ fronti» аскарларининг лагерлари яқинида юзага келиши мумкин бўлган тартибсизликларни бартараф этиш учун жойлаштирилган. Ливанликлар бу ердаги чегара ҳудудларини алоҳида назорат остига олиб, чегарадан ўтиш учун мажбур жойларни белгилаб олишган. Фуад Синоир мазкур масала юзасидан баёнот берар экан, ушбу муаммони курул билан эмас, балки музокара орқали ҳал этиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. «Биз бу масалани Фаластиндаги барча томонлар билан биргаликда муҳокама этиб, ҳал қилишимиз керак, акс ҳолда юзага келган вазият янада кескинлашиб кетиши мумкин», — дейди ўз нутқида бош вазир. Бундан аввалроқ Ливан ҳукумати Фаластинликларга мурожаат қилиб, бу ердаги 12 та лагерда яшовчи 390 минг фаластинлик қочқор масаласига чуқуროқ эътибор беришга қачирган эди. Лекин Фаластин маъмурияти айна масала ечимини тоғгани йўқ.



Рада нима дейди?

Укрaina президенти Виктор Ющенко Александр Медведевни мамлакатнинг бош прокурори этиб тайинлашга розилик бериши сўраб Олий Радага мурожаат этган. Президент кўрсатган аввалги номзодни парламент қувватламаганлиги учун янги номзод илгари сурилди. Хабарингиз бўлса, олдинги бош прокурор Святослав Пискунинг лавозимидан олиниши билан боғлиқ можаролар ҳали нихоя тоғгани йўқ. У лавозимидан четлатилганини конституциянинг барча қоидалари бузилганлиги билан изоҳламоқда. Собиқ прокурор ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этган.



Муаммо ҳал этилиши лозим

Эдуард Кокойто Грузиянинг Жанубий Осетия ва Абхазия мустақиллигини тан олиши Тбилиси ҳамда миллий автономиялар ўртасидаги можаронинг барҳам топишига ёрдам беришини таъкидлади. «Мен Грузия президенти Михаил Саакашвилига Жанубий Осетия ва Абхазия мустақиллигининг тан олиниши грузин-осетин ва грузин-абхаз муаммоларининг барҳам топишига ёрдам беради дедим», — дея таъкидлайди Кокойто. Россия томонлар ўртасидаги музокарада ЕХХТ, АҚШ ва Евроиттифок вакиллари катнашишига қаршилик кўрсатапти. Кремлдагиларнинг фикрича, Тбилиси муаммолари фақатгина мазкур давлатлар раҳбарлари иштирокида ҳал қилиниши лозим. Грузия ташқи ишлар вазири Гела Бежуашвили бундай муаммонинг барҳам топишида Россиянинг мавқеи пасайтирилмаслигини таъкидлади.

Террорга кўмак...

Ўтган ҳафтада Чеченiston-Догистон чегарасида милиция ходимлари томонидан қарийб 700 минг қалбаки АҚШ доллари мусодара этилди. Аввалига қўлга олинган икки кишидан 190 минг доллар олинган. Сўнг яна бир эркак ва аёлдан 500 минг доллар топилган. Дастлабки таҳминларга кўра, пуллар Чеченiston ҳудудида террорчиларни молиявий қўллаб-қувватлашга сарфланиши мўлжалланган.


Париж яқинидаги Клиши-су-Буа мавзесида бир неча кундан буён тартибсизликлар давом этмоқда. Мазкур ҳудуднинг аксарият аҳолиси муҳожирлардир. Тўрт кундан буён мавзе кўчаларида муҳожирлар оммавий тартибсизлик уюштирмоқдалар. Натижада 6 нафар полициячи оғир жароҳат олган, 11 киши қамоққа

ЖИЭМдаги кўзголонлар



Киргизистондаги иккита жазони ижро этиш муассасасида бошланган кўзголонлар ҳамон бартараф этилмаган. Хабарингиз бўлса, ИК-31 ҳамда ИК-3 қамқоқоналарида маҳкумлар кўзголон кўтариб, муассасаларни тўлиқ назоратга олганлар. Маълумотларда айтилишича, ИК-31 да маҳкумлар бу ерга келган парламент комиссияси аъзоларига ҳужум қилиб, уч нафарини ўлдиришган. Комиссия таркибида бўлган Киргизистон ЖИЭМ бошлиғи Дикматулла Пулатов ҳам жароҳат олиб, шифохонада ҳаётдан кўз юмган.

Террорчилар ҳуружи



Ҳиндистон пойтахти Дехлиннинг урта туманида деярли бир вақтнинг ўзига қўли портлашлар амалга оширилди. Маълумотларга қараганда, бунинг оқибатида 62 киши ҳалок бўлган, 200 нафар одам жароҳатланган. Ҳиндистон ҳуқуқ-тартибот органлари вакилининг хабарига кўра, биринчи бомба пойтахтнинг Пахаранж туманидаги марказий бозорда портлаган. Иккинчи бомба Дехлиннинг Саранжин Нагар мавзесидаги бозорда ҳаракатга келтирилган. Учинчиси эса автобусга жойлаштирилган бўлган, бироқ сезгир ҳайдовчи эгаси йўқ сумкадан шубҳаланиб, уни кўчага улоқтириб юборган. Айна дамда пойтахт полицияси террорчилик ҳаракатини ким ва нима мақсадда содир этганлигини аниқлаш юзасидан тергов олиб бормоқда. Дехлида яна портлашлар амалга оширилиши мумкинлиги инобатга олиниб ҳавфсизлик чоралари кучайтирилди.

Тартибсизликлар давом этмоқда



олинган. Мазкур тартибсизликлар, шимолий африкалик оилаларнинг икки нафар фарзанди электр подстанциясидаги юқори қувватли симга урилиб кетиб ҳалок бўлганидан кейин бошланди. Маълумотларга кўра, ўспиринлар полициячилардан қочмоқчи бўлиб шу тарафда ҳалок бўлишган. Франция ички ишлар вазири Николя Саркози мазкур айбловга изоҳ берар экан, полициячилар қонунбузилишига йўл қўйган бир гуруҳ ўспиринларни қувганини, лекин улар полиция участкасига ўспиринлар ҳалок бўлишидан 20 дақиқа олдин келганликларини айтиб ўтди. Ўтган ҳафта шанба кўни Клиши-су-Буада яшовчи юзлаб муҳожирлар норозилик намойишлари қилиб, мамлакат ҳукуматидан муҳожирлар билан боғлиқ қатор масалаларни қайта кўриб чиқишни талаб қилишди.

Кескин айблов

Сурия ташқи ишлар вазири Фаррух аш-Шара Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг Ливаннинг марҳум бош вазири Рафиқ Ҳаририйнинг ўлдирилишида Суриянинг айрим мансabdорларининг қўли бор деган баёнотига норозилик билдирди. БМТ Хавфсизлик кенгашининг йиғилишида иштирок этар экан, аш-Шара шундай деди: «Сурия ҳукуматини Ҳаририйнинг ўлимида айблов 2001 йил 11 сентябрда Америкада ва жорий йилнинг эъзид Лондонда содир этилган террорчилик ҳаракатларида АҚШ ва Буюкбритания ҳукуматларини айблов билан баробардир». Унинг таъкидлашича, мамлакатда армия ва хавфсизлик хизматларининг мавжудлиги улар ҳар бир террорчилик ҳаракати ёки жиноятдан воқиф дегани эмас. Шунингдек, аш-Шара Ҳаририйнинг ўлими сабабларини тергов қилган халқаро комиссиянинг ҳулосаларини шубҳа остига олди. Маълумингиз бўлса, Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририй 2005 йилнинг февралда террорчилик ҳаракати оқибатида ҳалок бўлган эди.

Энг йирик ташкилот

Арктикадан Ҳинд океанигача, Болтиқ денгизидан Тинч океанигача. Сиёсатчиларнинг фикрича, жаҳоннинг энг йирик геополитик уюшмаси яқин йилларда шундай даражага етади. Гап Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ҳақида кетмоқда. Ўзининг тўрт йиллик фаолияти давомида ШХТ жаҳонда етакчи сиёсий мақомни қўлга киритди. Эндиликда ташкилотга Ҳиндистон, Покистон ва Эрон ҳам аъзо бўлишга тайёрланапти. Демакки, ташкилот ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпининг манфаатларини ҳимоя қилади. Мазкур давлатларнинг ташкилотга қўшилишдан мақсад, аввало иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан бирга терроризмга қарш курашни ҳам кенгайтиришдан иборат. Эслатиб ўтамиз, мамлакатимиз ҳам мазкур ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси саналади.



Сайфа материалларини Internet хабарлари асосида Д.ЭШМУРодов ташкилади

